

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

М. Ў. Худойбердиев

НДКИ “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

Ғофуров Асилбек Ғулом

ўғли НДКИ талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада инновация тушунчаси ва унинг хусусиятлари, инновацион технологиялар бозорида тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш бўйича мавжуд муаммолар ҳамда уларга айрим ечимлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион технология, инновацион ғоя, тижорат банки, инвестицион банк, инвестицион фаолият, депозит, узоқ муддатли ресурс.

Кириш. Юқори ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион фаолият уларнинг иқтисодиётини ривожланишида жуда муҳим вазифаларни бажаради. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замон талабларига мос ҳолда олиб боришнинг асосий талаби инновацион технологияларни ҳаётга, яъни ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига жорий қилиш ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиёти миқёсида айтганда, пухта ишлаб чиқилган давлат инновацион сиёсатини ўрнатиш, ушбу сиёсат асосида минтақада инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг юқори босқичига олиб чиқиш талаб этилади.

Бугунги кунда давлат бойликлари ҳисобида табиий бойликлар билан бир қаторда, миллатнинг интеллектуал мулки асосида ишлаб чиқарилган янги замонавий технологиялар ҳам инобатга олинмоқда. Шубҳасиз ушбу бойликлардан тўғри ва самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига замин яратади.

Инновация тушунчасини иқтисодиётга австриялик олим Й.Шумпетер (1883-1951) ўтган асрнинг 30 йилларида киритган бўлиб, у бу фаолиятга ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, бозорлар, хўжалик турларини янгилаш, янги истеъмол маҳсулотларини яратиш ва уларни татбиқ этиш деб таъриф берган.

Инновация қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- инновация - бу одамларнинг режалаштирилган ижодий фаолияти натижасидир;
- инновация - бу амалда татбиқ этилган янгилик;
- инновацион жараённинг объекти техник, технологик, ташкилий ва бошқарув, молиявий, ижтимоий, экологик ва бошқа соҳаларда бўлиши мумкин;
- инновацион фаолият рақобат томонидан бошланади, инновациялар макро ва микро даражадаги инқирозларни енгишга, рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради;
- инновацион фаолият хавф билан боғлиқ.

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Инновацион жараёнлар иқтисодий ривожланиш жараёнида юзага келадиган қарама-қаршилиқлар ва инқирозларни ҳал қилишнинг энг муҳим воситасидир. Инновацияларнинг ўзига хос белгилари янгилик ва тижорат аҳамиятига эга. Инновацион жараённинг натижаси нафақат маҳсулот, хизмат, балки янги ижтимоий эҳтиёждир. Инновацияларнинг ҳар бир тури ўзига хос рақобат стратегиясига эга.

Бизнинг фикримизча инновация дейилганда, янги технологиялар, маҳсулот ва хизмат турлари сифатидаги янгиликларни ишлаб чиқариш, таълим, молия, тижорат, бошқариш ва бошқа хусусиятларга эга ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий қарорлардан самарали фойдаланиш тушунилади.

Бизга маълумки, инновацион технологияларни ҳаётга жорий қилишда энг муҳим масалалардан бири бу мустаҳкам молиявий тизимнинг яратилиши билан боғлиқки, бу соҳада зарур бўлган молиявий ресурсларнинг жамланиши натижасида дунё стандартларига мос бўлган инновацион технологиялар яратилишига олиб келади. Ҳозирги кунда инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда молиялаштиришнинг асосий манбалари қаторига бюджет маблағлари, корхона маблағлари, турли тижорат ташкилотлари маблағлари (суғурта маблағлари, инвестиция компаниялари), тижорат банкларининг ресурслари, чет эл инвестициялари ҳамда миллий ва хорижий илмий жамғармалари киради.

Хорижий тажрибалардан ҳам маълумки, иқтисодиётнинг юксак даражада тараққий этиши ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан қай даражада фойдаланилаётганлигига боғлиқ бўлади. Шундай экан, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тўлақонли реализация қилиш, уларни хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш тармоқларига амалий жорий қилишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омилларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682 сонли қарори билан келтириб ўтилган. Ушбу қарор бўйича санаб берилган омилларнинг орасида қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, илғор ва илмий ҳажмдор технологияларни фаол тарқатишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги кўрсатилган.[1]

Юқорида келтириб ўтилган омилни бартараф этиш учун мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ривожлантиришнинг объектив заруриятлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга қўллашда тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ривожлантириш кўйидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди:

1. Инновацияга боғлиқ бўлган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун узок муддатли ресурсларни етишмаслиги;
2. Инновацияга боғлиқ бўлган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келиши мумкин бўлган юқори даражали рискларни бошқариш механизмларининг тўлиқ шаклланмаганлиги;
3. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг сустлиги.

Бизнинг фикримизча ушбу муаммоларни ҳал қилиш орқали инновацияга боғлиқ бўлган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, тижорат банклари томонидан амалга ошириш имкони яратилади.

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Бугунги кунда банк тизими бозор иқтисодиётининг энг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан бири бўлиб, унда тижорат банклари асосий рол ўйнайди. Тижорат банклари, биринчи навбатда, иқтисодиётдан вақтинча бўш маблағларни жалб қиладиган, бошқа томондан, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг турли молиявий эҳтиёжларини шу маблағлар ҳисобидан қондирадиган ўзига хос кредит ташкилотлари вазифасини бажаради.

Банкларнинг инвестицион фаолияти деганда, иқтисодиёт, мамлакат ва минтақалар кўламида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг инвестицион талабларини қондиришга қаратилган фаолият тушунилади.

Банкларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш зарурати банк тизими ва умуман иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишининг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади. Бир томондан, тижорат банклари ўз фаолиятининг шарти бўлган барқарор иқтисодий муҳитдан манфаатдор, бошқа томондан, иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан банк тизимининг ишончлилиги ва унинг самарали ишлашига боғлиқ. Шу билан бирга, тижорат ташкилоти сифатида индивидуал банкнинг манфаатлари таваккалчиликнинг мақбул даражасида максимал фойда олишга қаратилганлиги сабабли, кредит ташкилотларининг иқтисодиётга сармоя киритишда иштирок этишлари фақат қулай шароитлар мавжуд бўлганда содир бўлади.

А.В.Беликовнинг фикрига кўра, банкларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокининг асосий йўналишларини қуйидагича аниқлаш мумкин.

- банклар томонидан инвестиция мақсадларида маблағ жалб қилиш;
- инвестиция кредитларини бериш;
- қимматли қоғозларга, корхона улушига (ҳам банк ҳисобидан, ҳам мижоз номидан).[2]

Бу соҳалар бир - бири билан чамбарчас боғлиқ. Банклар капитални, аҳолининг жамғармаларини ва бошқа бўш маблағларни сафарбар қилиб, улардан самарали фойдаланиш мақсадида ўз ресурсларини шакллантиради. Пул маблағларини тўплаш бўйича операциялар ҳажми ва таркиби банкларнинг кредит ва инвестиция портфеллари ҳолатига, уларнинг инвестиция фаолияти имкониятларига таъсир этувчи асосий омиллардир.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг инвестиция фаолияти шакллариининг таснифи тижорат банкларининг инвестиция фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган умумий қабул қилинганидан бироз фарқ қилади.

Мамлакатимизда ҳам тижорат банкларининг инвестицион сиёсатини айнан шулардан келиб чиқиб замон талабларига мослаштириш қатъий талаб этиляпти. Бунда уларнинг инвестицион фаолиятнинг мақсадли мўлжаллари тизимини ташкил этиш ва мазкур мақсадларга эришиш усуллариини эркин танлаш учун имконият бериляпти. Институционал жиҳатдан қараганда, бу инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда деганидир. Айнан шу нуқтаи назардан тижорат банкларимизнинг муайян фаолияти инвестицион активларнинг мувофиқ таркиби ва ҳажмини таъминлаш, таваккалчиликнинг мақбул даражасида активлар даромадлилигини оширишга йўналитирилиши керак. Ўз навбатида банк ресурс базасини кенгайтириш ва банк ресурслари сақланишини таъминлаш ҳам истиқбол мақсадлари қаторидан жой олиши лозим. Шундагина инвестицион қўйилмаларнинг ликвидлилиги, хавфсизлиги ва даромадлилиги ҳамда ўсиб бориши учун прагматик шароит яратилади. Шу ўринда инвестиция йўналишида тижорат банкларини рағбатлантирувчи омиллар бўйича қўйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин: рақобатдаги устунликни ошириш, ресурс базасини кенгайтириш ҳисобига кредитлаш ҳажмини ошириш, кредит портфели таваккалчиликларини диверсификациялаш

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

асосида таваккалчилик даражасини камайтириш, кредит қайтмаслиги таваккалчилигини камайтириш.[3]

Бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг зарурлиги қўйидаги омиллар билан белгиланади:

- кредит муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг иқтисодий манфаатдорлиги таъминланиши. Хусусан, кредитор кредит ҳисобидан фоиз тўловлари сифатида фойда олса, қарз олувчи ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш орқали тегишли фойдани шакллантириш имкониятига эга бўлади;
- иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағлари ссуда капитали сифатида жамғарилиб, тегишли мақсадларга йўналтирилади;
- иқтисодиётда ишлаб чиқариш циклининг даврийлиги. Бунда айрим тармоқларда вақтинчалик бўш пул маблағлари вужудга келса, бошқаларида қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж тўғилади, ушбу жараён кредит орқали тартибга солинади;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми кредитлар орқали қондирилади.

Замонавий иқтисодиётда кредит муҳим молиявий элемент сифатида мамлакат иқтисодиётини ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кредит ва кредит муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланишининг асосида товар ишлаб чиқариш, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, - капитал муомаласи ва айланиши ётади. Жамиятда капитал муомаласи ва айланиши доимо ҳам бир маромда амал қилмайди, булар юқорида таъкидланганидек қатор омиллар билан изоҳланади.[4]

Шундай экан инновацион технологияларни иқтисодиётга жалб қилишда қорхоналарни молиявий қўллаб қувватлашга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш орқали молиялаштиришга эҳтиёж сезилади. Албатта бу тижорат банкларининг молиялаштириш жараёнида вужудга келадиган таваккалчилик даражаси юқорироқ бўлиши табиийдир. Шунинг учун инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда тижорат банкларининг кредитлари орқали амалга оширилганда тижорат банкларига бир қанча энгилликлар беришга тўғри келади.

Чет эл мамлакатлари амалиётида кредит ресурсларини инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлашга йўналтирадиган устунлик ва рағбатлар тизимини ишлаб чиқишга қаратилган сиёсат амалга оширилади. Бундай тизимни жорий қилиш қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

1. давлат томонидан ихтисослаштирилган инновацион банклар яратишни рағбатлантириш;
2. технологик ўзгаришларга эришишга йўналтирилган маблағларга солиқ солиш бўйича тегишли имтиёзлар ўрнатиш йўли билан давлат томонидан банкларни узоқ муддатли кредитлаш жамғармаларини яратишини рағбатлантириш. Иқтисодий асосланган солиқлар, рағбатлантирувчи функциясини бажарган ҳолда, инвестицион-инновацион жараёнларни фаоллаштиради;
3. ресурслардан фойдаланиш йўналишларига боғлиқ равишда банкларнинг фойда солиқ ставкасини дифференциациялаш – ресурслар инновацион лойиҳаларни узоқ муддатли кредитлашга йўналтирилган ҳолларда ставкани камайтириш;
4. инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар тақдим қилувчи банкларнинг имтиёзли кафолатлаш тизимини яратиш;

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

5. юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорларга тақдим қилинган кредитларни давлат томонидан суғурта қилиш механизмини жорий қилиш;
6. банклар инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар акцияларини сотиб олганда уларни мазкур корхоналар акцияларига инвестиция қилинадиган банк фойдасининг қисмига солиқ солишдан озод қилиш йўли билан тақдирлаш;
7. инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган кредитларнинг гаров билан таъминланишининг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш;
8. инновацион лойиҳаларни кредитлашни амалга оширувчи банклар учун мажбурий резервлар меъёрларини камайтириш.

Юқорида келтирилган тавсияларни амалга ошириш инновацион иқтисодиётга фаол ўтиш шароитларида, яқин келажакда тижорат банкларига бўлган талаб инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг устувор манбасига айланишига олиб келади.[5]

Мамлакатимиз иқтисодиётини тез суръатларда ривожлантиришимиз ҳамда аҳолимиз турмуш даражасини кўтариш учун инновацион технологияларни қўллашда тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги муҳим рол ўйнайди. Бу мақсадга эришиш учун тижорат банкларимизга инновацион технологиялар бозорида фаол иштирок этишлари учун етарлича шароит яратиб берилиши лозим деб ўйлаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги келтириб ўтилган ўрганишлар натижасидан келиб чиққан ҳолда, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, банкларнинг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада узоқ муддатли депозитларга жалб этиши ва ушбу маблағларни реал ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий қилиш орқали самарали бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда банкларнинг инвестицион фаоллигини корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологияларини модернизациялашга қаратиш доирасида қўйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, давлат томонидан инновацион лойиҳаларни кредитлаш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган инновацион банклар ташкил этишни рағбатлантириш;

иккинчидан, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини уларнинг устав капиталини ошириш, ҳамда облигациялар ҳисобидан шакллантириш;

учинчидан, банклар томонидан жозибадор бўлган узоқ муддатли депозит сертификатларини чиқариш амалиётини ривожлантириш;

тўртинчидан, тижорат банклари томонидан инновацион технологиялар учун ажратилган кредитлар қисмидан оладиган даромадлар қисмига солиқлардан имтиёзлар тақдим этиш;

Ўйлаймизки, юқоридаги чора тадбирларни амалга ошириш, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаб, реал секторни инновацион технологиялар ҳисобига ривожлантириши учун ўз таъсирини ўтказди. Шу билан биргаликда инновация фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари яратилади.



Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682 сонли қарори.
2. Колпакова, Галина Михайловна. Финансы. Денежное обращение. Кредит: учебное пособие для вузов / Г. М. Колпакова.— 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Финансы и статистика, 2006. стр 21-22.
3. <http://www.xs.uz/uzkr/post/tizhorat-banklarining-samarali-investitsion-faoliyati-taraqqiyot-va-farovonlikning-muhim-omili>. Одил Шерназаров. 29.04.2020 йил.
4. А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. Пул, кредит ва банклар. Дасрлик. Тошкент-2012 йил. 182 бет.
5. М.М.Тожиев. Инновацияларни кредитлашнинг раҳбатлантирувчи омиллари ва хатарлари тўғрисида. Иқтисод ва молия. 2019, №6 (126)